

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғининг сайёр қабули ўтказилди.

Бугунги кунда аҳоли ўртасида болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш масаласида кўплаб саволлар юзага келмоқда. Мазкур саволларга жавоб бериш ҳамда бу борада аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш, уларга ҳуқуқий тушунчалар бериш мақсадида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Э.Асронқулов иштирокида Кува туманида фуқаролар иштирокида “Сайёр қабул”лар ўтказилмоқда.

Худди шундай тадбирлардан бири жорий йилнинг 27 январ куни Кува тумани Акбаробод МФЙда ўтказилди. “Сайёр қабул” жараёнидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги 308-сонли “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 август кунги ПҚ-4797-сонли “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-тамоилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг мазмун моҳияти аҳолига тушунтирилди.

Сайёр қабулда асосан Кува тумани Акбаробод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар қатнашиб, ўзлари дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича саволларга жавоб олдилар. Бошқарма бошлиғи Э.Асронқулов фуқароларни асосан сўнги вақтларда қийнаб келаётган муаммолар, яъни “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 13.04.2019 йилда қабул қилинган № 308-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорининг 4-бобида “Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун аризаларни кўриб чиқиш тартиби”ни қарорнинг 19 бандида тегишли ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлашда рад этилишига асос бўладиган мавжуд ҳолатларни батафсил изоҳлаб ўтди.

Жумладан:

1. Ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромаднинг ушбу вақтинчалик Низомнинг 7-бандида белгиланган мезонлардан кўплиги;

2. Идоралараро электрон ахборот тизими орқали кадастр ахборот тизимида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларидан жами биттадан ортиқ кўчмас мулк мавжудлиги;

3. Ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида:

ишлаб чиқарилган муддати 10 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжудлиги;

жами икки ва ундан ортиқ техник ҳолати соз бўлган воситалари мавжудлиги;

4. Даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган ва ҳисобда турмаган ёки ҳақи тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги. Ушбу ҳолида:

бола уч ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилувчи оналарга уларнинг ўрнини босувчи шахслар;

таълим муассасаларида ўқиётганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳолати бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, I ёки II гуруҳ ногиронлиги мавжуд шахсларга;

~~ўзгалар парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариш қилаётган ва шу каби бир қатор шахсларга нисбатан қўлланилмаслигини таъкидлаб ўтди.~~

Шунингдек, фуқароларга “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-тамоилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорни аҳоли ўртасида изохлаш жараёнида 2020 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари 1-иловага мувофиқ босқичма-босқич “Ижтимоий ҳимоя реестри” ахборот тизими воситасида амалга оширилишини ҳам батафсил изохлаб берди.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2021-01-28 22:32:54